

7.90

ХАЙРУЛЛА ТУРМАТОВ



СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИ

ДОЛЗАРЪ
МАВЗУ

86
Г-90

	218
Сотен	Боло
Торбин	

2014	5		6500

10/III - 1768

17/VI - 405

86
7-90

Хайрулла ТУРМАТОВ

СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИ



NASHRIYATI

INVENTAR №	218
Yil	2017
№	АКМ

УЎК: 297:37.018.1

КБК: 86.38

Т 90

Маълумки, оила жамиятнинг бошланғич таянчи ҳисобланади. Дини Исломда оилавий ҳаёт ибодат даражасида экани баён қилинган. Аллоҳнинг бандаларига берган неъматлари шу даражада кўпки, уларни санашга инсон умри етмайди. Булар ичида инсон наслининг давом эттирувчиси бўлмиш фарзанд неъматини алоҳида ўрин тутди. Фарзанд тарбияси эса ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу китоб муаллифи баён этган масалалар нафақат 2014 – Соғлом бола йилида, балки доимо ҳам катта аҳамият касб этиши табиийдир.

Турматов, Хайрулла

Соғлом бола тарбияси / Х. Турматов; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2014. – 48 б.

Масъул муҳаррир:

Шайх Абдулазиз МАНСУР

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1332-рақамли
хулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

УЎК: 297:37.018.1

КБК: 86.38

ISBN 978-9943-12-288-8

© Хайрулла ТУРМАТОВ

© «Мовароуннаҳр», 2014

*“Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот,
ё нажот ё ҳалокат, ё саодат
ё фалокат масаласидир”.*

Абдулла Авлониё

МУҚАДДИМА

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Одамни жуфти ила яратган, унинг зурриётини қиёмат кунигача таратган Аллоҳга беҳисоб ҳамду санолар бўлсин! Оилавий ҳаётни ибодат даражасида эканини баён қилиб, уни юритиш тартиби ҳақида таълим берган Пайғамбаримизга саловоту саломлар бўлсин!

Оила – жамиятнинг бошланғич таянчи. Оила обод ва фаровон экан, жамият юксалади, фаровон жамиятда яшаган оқил кишилар охират дунёсини ҳам обод қилиш ҳаракатида бўладилар. Натижада инсон икки дунёда саодатга эришади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Бас, (эй Муҳаммад!) Юзингиз (ўзингиз)ни доимо тўғри бўлган динда (Исломда) тутинг! Инсонларни ўша асосда яратган Аллоҳнинг яратувчилигини (англангиз!) Аллоҳнинг яратишига ўзгартириш йўқ. Энг тўғри дин шудир, лекин кўп одамлар (буни) билмаслар” (Рум, 30).

Оила қуриш ижтимоий ҳаётнинг тартибга тушиши учун энг муҳим омилдир. Инсон шу йўл билангина наслининг поклик ила бардавом бўлишини таъминлайди. Зеро, оила қуришдан кўзланган энг улук ҳикмат ҳам шу – инсон наслининг давомийлиги. Фарзандлар инсон наслини давом эттирувчилардир. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

“Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлантиради. Бас, (улар) ботил (буглар)га имон келтириб, Аллоҳнинг неъматини инкор этадиларми?!” (Наҳл, 72).

Оилавий ҳаёт жамиятни ахлоқий таназзулдан сақлайди. Ҳалол йўл билан бино бўлган оила кишилик жамиятининг соғлом тарзда бардавом бўлиши учун хизмат қилади. Зеро, исломнинг ва келажагини ўйлаган барча жамиятларнинг энг олий мақсади ҳам шу, яъни инсон наслини муҳофаза қилишдир. Бундан ташқари, инсон руҳий ва нафсоний ҳаловатни ҳам фақат оиласида топади. Эрталаб турли юмушлар билан хизматга отланган оила бошлиғи, яъни ота чарчаб, ҳориб қайтганида, уни жуфти ҳалоли кутиб олиши, дастурхон атрофида фарзандлари билан жам бўлиши унга нечоғли хурсандчилик бағишлайди. Барча муаммоларини, чарчоқларини унутади. Шунингдек, рўзғор бекаси ҳам умр йўлдошининг борлиги туфайли хотиржам бўлади, отасининг меҳридан бахтиёр фарзандлар бағри бутун бўлади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Унинг аломатларидан (яна бири) сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир” (Рум, 21).**

Оила қуришнинг ҳикматларидан яна бири, фарзанд тарбиясида эр ва хотиннинг ҳамкорлигидир. Оилада бахтиёр ҳаёт бардавом бўлишида, ўз масъулиятларини адо этишда эру хотин узвий ҳамкордирлар. Аёл табиатига кўра, оилада ўзига юклатилган хос масъулиятни адо этиш билан бирга, фарзанд

тарбияси билан машғул бўлади. Шунингдек, эр ҳам табиатидан келиб чиқиб, ўзига юклатилган хос масъулият, яъни оиласини ҳар жиҳатдан таъминлаш, машаққат ва мусибатларни бартараф қилиш, оиласини муҳофаза этиш каби ишлар билан бирга фарзандлар тарбиясига алоҳида аҳамият беради. Оилани рисоладагидай юритиш ва фарзанд тарбиясида бири иккинчисининг ишини тўлдиради, камолга етказди. Шундагина эру хотин ўртасидаги ҳамкорлик самарали бўлади. Улар кўзланган мақсадга эришадилар.

ТАРБИЯ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Имом Ғаззолий (рахматуллоҳи алайҳ) бундай деганлар:

“Фарзанд ота-она ҳузуридаги омонатдир. Унинг покиза қалби нафис гавҳардир. Агар унга яхшилик ўргатилса, яхшилик узра вояга етади, дунё ва охирада бахтиёр бўлади. Агар ёмонлик ўргатилса ёки бепарволик қилинса, бахтсиз бўлади ва ҳалок бўлади. Уни асраш эса, унга одоб бериш, кераксиз нарсалардан сақлаш ва гўзал ахлоқ ила тарбия қилиш билан бўлади”.

Фарзандга рисоладагидай тарбия бериш ғоят масъулиятли, мураккаб жараёндир. Чунки ота-онанинг фарзанди олдидаги бурчларидан шундайлари бор, маълум бир вақтда бирор ишни қилиш билан ёки мол-мулк сарфлаш билан у охирига етади. Аммо тарбия энг масъулиятли ва энг узоқ давом этадиган бурч ҳисобланади. Ота-онанинг фарзанд неъматига бўлган амалий шукронаси ҳам ушбу бурчни шараф ва сабр билан адо этишлари туфайли юзага чиқади.

Тарбиявий масъулият ҳақида сўз борар экан, Ислом уламолари фарзандга ахлоқий, жисмоний, ақлий, нафсий, ижтимоий ва жинсий тарбия бериш лозимлигини таъкидлайдилар.

ИМОН ТАРБИЯСИ

Фарзандга имон тарбиясини бериш бу келажакда уни виждонли, эътиқодли, Ватанига, динига, миллатига, қадриятларига содиқ инсон этиб камолга етказишдир. Боланинг ёши, ақлу идроки, қобилиятларига мос равишда имон асослари, муқаддас динимиз арконлари ҳақида тушунчалар бериб бориш, тарбиялаш лозим. Шунда фарзанд ҳаёти давомида турли бузғунчи ақидаларга чалғимайди, дин душманлари таъсирига тушмайди, эътиқодсиз лоқайдга айланмайди.

Бола онгида Аллоҳ, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), фаришталар ва охират дунёси ҳақида дастлабки тасаввурларни шакллантириш керак. Оилада мусулмончиликка тааллуқли қадриятлар ҳақида бошланғич маълумотларни ўргатишни бошлаш лозим. Бу борада Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) насиҳатларига қулоқ тутмоқ энг мақбул йўлдир. Имом Ҳоким Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз: “Болаларингиз тилини аввал “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси билан чиқаринглар”, деб марҳамат қилганлар. Гўдакнинг дастлабки сўзи Аллоҳнинг исми бўлиши муборақ калима унинг тилига, дилига муҳрланиши учун тамал тоши қўйилишидир.

Шу ўринда бир оғриқли масалага эътибор қаратмоқчимиз: бугун айрим болаларимиз ғарбдаги қўшиқчи, санъаткор, спортчи ёки бошқа шахсларнинг тарихини, турмуш тарзини, ҳаётини, ҳатто нимани яхши кўриб, нимани ёмон кўришигача билади. Аммо ўз миллатининг қаҳрамонлари, улуғ аждодлари ҳақида билмайди. Баъзи йигитлар ҳатто балоғат

ёшига етиб оила курадиган даврида ҳам имон калимасини айта олмаслиги кишини ташвишга солади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадисларида: “Ҳар бир туғилган гўдак соф фитратда туғилади. Кейин уни ота-онаси ё яҳудий қилади, ё насроний қилади, ё мажусий қилади”, деб марҳамат қилганлар.

Имон тарбиясининг яна бир қирраси фарзандга ҳалол билан ҳаромнинг фарқини ўргатиб бормоқликдир. Ибн Мунзир Абдуллоҳ ибн Аббоснинг (розиаллоҳу анҳу) шундай сўзларини келтиради:

“Аллоҳга итоат қилинглар, унга осий бўлишдан кўрқинглар. Болаларингизга буюрилган ишларни қилиб, қайтарилган ишлардан сақланишни ўргатинглар. Ана шу уларга ҳам, сизларга ҳам дўзахдан ҳимоя бўлади”.

Айниқса, ҳозирги ахборот технологиялари тараққий этган пайтда фарзандларга фойда-зарар, савоб-гуноҳ, керак-нокерак ишлар ҳақида яхшилаб таълим бериш керак. Ахборот-компьютер техникаларининг илмга, тараққиётга қанчалик манфаати борлиги ҳаммага аён. Аммо танганинг икки томони бўлганидек, болаларнинг миллий қадриятларимизга, динимизга ёт бўлган, одамда ёвузлик, ваҳшийлик сифатларини шакллантирувчи турли хил бемаъни дастур ва беҳуда ўйинлар билан вақтларини ўтказаетгани ачинарлидир. Ота-оналар, тарбия ишига мутасадди бўлган шахслар бепарволиги оқибатида фарзандлар худбин, ҳиссиётлари йўқ унсурга айланиши мумкин. Болаларга ёшлигидан имон тарбияси бериб борилса, улар динига, миллатига хос бўлмаган ишлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида билиб улғайсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнинг ёшлигимизда болаларга бирор ножўя иш тушунтириладиган бўлса, “ёмон бўлади”, дейилар-

ди. Боболаримиз, момоларимиз бизга: “Сувга туфлама, чиқинди ташлама, нонни увол қилма, кечкурун ёлғиз юрма” деган насиҳатларни қилсалар, “Нега?” деган саволимизга улар: “Ёмон бўлади”, деб жавоб берардилар. Биргина ана шу сўз бизни кўпгина беадабликлардан сақланишимизга сабаб эди. Бугун-чи? Қайси ёш болани “ёмон бўлади” деган сўз чўчитади?

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Ахлоқий тарбия имоний тарбиянинг самарасидир. Маълумки муқаддас динимиз ахлоқ динидир. Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таоло: **“Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!”** (*Қалам, 4*) деб сифатлаган. Жанобимиз ўзлари ҳам: “Мен қарамли ахлоқни камолига етказиш учун юборилдим”, деб марҳамат қилганлар (*Имом Аҳмад, Ҳоким ва Байҳақийлар Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишган*).

Ахлоқий тарбиянинг аввалида фарзандга одоб ўргатиш туради. Ота-она фарзандига хулқий одоб беришида ёшлигидан унга ростгўйлик, омонатдорлик, ҳақиқатгўйлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳмонни улуғлаш, қўшнига яхшилик қилиш, ўзгаларга яхши муносабатда бўлиш каби сифатларни ўргатишга масъулдир. Бундан ташқари, унинг тилини ҳақоратдан, сўкишлардан, хунук сўзларни ишлатишдан сақлаш лозим. Буюк инсоний фазилатлар, яъни саховат, етимпарварлик, фақир камбағалларга мурувват ҳисси ила тарбия қилиши матлубдир.

Бугунги кундаги фарзанд тарбияси билан шуғулланувчиларнинг фаолиятини ўрганувчи мутахассисларнинг фикрларига қараганда, бир кун давомида ота-оналар фарзандига жуда кам вақт ажратишаркан. Ота-оналар 24 соатдан бор-йўғи 1,5 соатини бо-

лаларига сарфлаётган экан. Қолгани турмуш ва рўзғор юмушлари. Ўша 1,5 соатни ким қандай сарфламоқда? Ҳар бир ота-она фарзанди учун елиб-югуриб ҳаракат қилади. Унинг моддий эҳтиёжларини қондиришга зўр беради. Аммо болаларнинг руҳий-маънавий тарбиясига эътибор жуда камайиб кетди, назаримизда.

Биргина ростгўйлик хислатини олайлик. Ёлғондан ҳазар қилиш, доим рост гапириш ҳақида болаларга насихат қилиш ўрнига, баъзи инсонлар ёшлигидан болаларни ёлғонга одатлантираётганига ҳам гувоҳ бўлиб турамиз. Айрим оталар эшик тақиллаб қолса: “Фалончи мени сўраса, уйда йўқ, деб айтгин!” деб тайинлаб турса, бола нимани ўрганади?! Абдуллоҳ ибн Омирдан ривоят қилинади:

“Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйимизда ўтирганларида онам мени чақириб: “Бери кел, бир нарса бераман”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Нима бермоқчисан?” дедилар. Онам: “Унга хурмо бермоқчи эдим”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Аммо, агар унга ҳеч нарса бермаганингда, сенга ёлғон ёзилар эди”, – дедилар” (*Абу Довуд ривояти*).

Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким фарзандига “Кел, мана буни ол!” деса-ю, унга ҳеч нарса бермаса, у ёлғончидир”, дедилар (*Имом Аҳмад ва Ибн Аби Дунё ривояти*). Бундай ёлғонлар ҳаётимизда оддий ҳолга айланиб кетган десак, муболаға бўлмас. Куни келиб болаларнинг ёлғонларидан бошимизга ташвишлар тушса, уларга буни ёшлигидан ўзимиз ўргатганимизни ҳам унутмаслигимиз керак.

Болаларни кичиклигидан омонат ва унинг риоясига, хиёнат ва унинг зарарларидан сақланишга ҳам ўргатиб бориш лозим. Бу борада саҳобаи киромларнинг ҳамда валий зотларнинг ҳаётларидаги ибратли

воқеалардан сўзлаб, фарзандларга бир умрга татиғулик маънавий озуқаларни сингдириб бориш мақсадга мувофиқ. Абдуллоҳ ибн Динор (розияллоҳу анҳу) айтади: “Бир куни ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) билан Макка ташқарисига чиқдик. Шунда бизнинг олдимизга тоғдан бир чўпон тушиб келди. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) унга: “Эй чўпон! Бу қўйларнинг ичидан бизга бир қўй сотгин”, дедилар. Шунда у: “Мен қулман, бу қўйлар менинг қўлимда омонатдир”, деди. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) унга: “Хожангга уни бўри еди, деб айт”, деди. Чўпон эса: “Хожамга шундай дерман, аммо Аллоҳга нима дейман?”, деди. Умар (розияллоҳу анҳу) йиғлаб юбордилар. Эртаси куни ўша қулни хожасидан сотиб олиб, озод қилдилар ва унга: “Ана шу ҳалоллигинг ва шу сўзларинг сени бу дунёда қулликдан озод қилди, умид қиламанки, у сени охиратда ҳам (дўзахдан) озод қилади”, дедилар”.

Ҳар бир даврда ҳар бир жамиятда ўғрилиқ, хиёнат, фирибгарлик ва алдамчиликка қарши қонун ва фармонлар чиқарилади. Аммо қонун ва фармонларнинг ўзгинаси унинг ижросини таъминлашга ҳар доим ҳам қодирми?! Қонун ва фармоннинг ўзигина ундан ожиз. Агар одамларда Аллоҳдан қўрқиш, руҳий тарбия, хулқий етуклик бўлмаса, бу жуда мушкул иш. Бунинг учун болаларни ёшлигидан ана шундай сифатлар ила ўстириш керак. Ўтмишда бир ўғрининг қўлини кесишга ҳукм чиқарилди. Ҳукмни ижро қиладиган вақт бўлганида ҳалиги ўғри қозига баланд овоз билан: “Менинг қўлимни кесишдан олдин онамнинг тилини кесинглар. Чунки ҳаётимда биринчи марта қўшнимизникидан товўқ тухумини ўғирлаганимда у мени уришмади, жойига қайтаришимни талаб қилмади, балки хурсанд бўлиб: “Менинг ўғлим ҳам одам бўлиб, бирор нарса топиб келадиган бўлибди”,

деди. Агар ўшанда онам жазо берганида эди, мен ҳеч қачон ўғри бўлмас эдим”, деди.

Бизнинг болалигимизда ота-оналар катта ёшдаги болалари уйга бирор нарса кўтариб келишса, “Буни қаердан олдинг, бировнинг ҳақини олиб келмадингми?” деган савол беришар эди. Бу нарса ўғирликнинг олдини олишда катта тарбиявий аҳамиятга эга эди. Ҳозир ҳам шу ҳолат бор, аммо бир оз бепарволик ҳам йўқ эмас.

Тилни асраш, уни покиза сақлаш энг муҳим хулқлардан биридир. Айниқса, ёш болалар олдида тилга эътиборли бўлиш лозим. Ота-онасининг оғзидан чиққан ҳар бир сўз бола учун аҳамиятлидир. Баъзи ота-оналар болалар олдида бўлар-бўлмас гапларни гапиришади. Бу билан боланинг тарбияси бузилиши, эртага ўзига лаънат келтириши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмайди. Ота-она фарзандга биринчи мураббий экан, бу борада унга қуйидаги нарсалар лозим бўлади:

- болалар олдида ёмон гапларни гапиришдан зинҳор эҳтиёт бўлиш;

- суҳбатлашишда болага гўзал муҳит яратиш, яъни номаъқул суҳбатдошлардан узоқлаштириш;

- мулоҳаза билан чиройли сўзларни сўзлашни ўргатиш;

- тилнинг ёмонлиги туфайли инсон бошига келадиган балолар, оқибатлар ҳақида тушунтириб бориш. Бунда Пайғамбаримиз ҳадисларидаги насиҳатлардан, аждодларимиз қолдирган буюк маънавий мерослардаги ибратли ҳикояларни сўзлаб бериш катта самара беради.

- телевизор, компьютер, айниқса, интернетдан ўзининг ёшига мос бўлмаган кўрсатув ва эшиттиришлардан сақ таш.

Бугунги кунда баъзан кичик ёшдаги болаларнинг ҳам оғизларидан хунук сўзлар эшитилиб қолади. Айтаётган сўзининг маъносини мутлақо тушунмайди. Улар буни қаердан ўрганади? Балки оилавий муҳит ё кўча-кўйда атрофдагилардан ё синфдошу дўстларидан. Нима бўлганида ҳам бу кишини ранжитади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларида: “Оғизларингизни покиза сақланглар, чунки у Қуръон йўлидир”, деб марҳамат қилганлар. Айниқса, болаларни ёшлигидан ширинсуханликка, суҳбатдош танлашга, мулоқот одобига жиддий ўргатиб бориш лозимдир.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Ҳар даврда жисмонан етук, бақувват, соғлом, ғайратли, шижоатли фарзанд улғайтириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланган. Болаларнинг жисмонан соғлом бўлишлари бир неча омилларга боғлиқ. Жисмоний тарбия борасидаги қоидаларнинг аввалида болаларнинг таомга бўлган муносабатини тартибга солиш туради. Чунки эҳтиёждан ташқари овқатланиш инсон соғлигига зарар экани ҳаммага маълум. Болаларда ҳам энг аввал пайдо бўладиган сифатлардан бири овқатга ўчлик бўлади. Шунинг учун уларга ёшлиқдан овқатланиш одобини ўргатиш, кўп овқатланиш зарар экани ҳақида ўргатиш лозим.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Одам боласи тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони қориндир. Одам боласига қаддини тутадиган емаклар кифоядир. Агар жуда лозим бўлса, таоми учун учдан бир, ичимлиги учун учдан бир ва нафаси учун учдан бир”, дедилар (*Имом Аҳмад ва Термизий Миқдом ибн Маъдий Қарибдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган*).

Болаларнинг жисмонан соғлом, турли касалликлардан сақланишига, унинг олдини олишга, лозим бўлганида даволанишига эътиборли бўлиш керак.

Фарзандларни ёшлиқдан тозалик қоидаларига амал қилишга ўргатиб бориш лозим. Касаллик ва иллат чақирувчи жиҳатлардан эҳтиёт бўлиш чораларини таълим бериш зарур. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш, касалликка чалинмаслик йўлида бадантарбия билан шуғулланиш қанчалик аҳамиятли экани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизда бугунги кунда спортга, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга бўлган эътибор таҳсинга лойиқдир. Болалар спортини ривожлантириш жуда муҳим бўлгани учун ҳам ташкил этилган жамғармага муҳтарам Юртбошимизнинг ўзлари бошчилик қилади. Исломда ҳам жисмоний тарбия машғулотларига катта эътибор қаратилган. Болаларнинг кучли, бақувват, эпчил ва соғлом бўлишлари учун ота-оналар зиммасига катта масъулият юклатилган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёш авлоднинг соғлом ўсишини таъминлаш борасида ота-оналарнинг фарзандларини бадантарбия билан шуғуллантиришга тарғиб қилганлар. Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мен билан (югуришда) мусобақалашган эдилар, мен у зотдан ўзиб кетдим. Бир муддатдан сўнг, менинг вазним ортганида яна мен билан мусобақалашиб, мендан ўзиб кетдилар ва: “Ҳалиги билан биру бир”, дедилар” (*Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривояти*).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кучли мўмин заиф мўминдан кўра Аллоҳга яхшироқ ва суюклироқдир”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Соғлом авлод етиштириш ҳақида сўз борар экан, ота-оналарга қуйидаги тавсиялар берилади:

– уйда болаларни уларнинг соғлигига хавф соладиган гугурт, электр жиҳозлари, ёнувчи хусусиятга эга бўлган ашёлар, иситиш ускуналари, ўткир тигли асбоблардан эҳтиёт қилиш;

– дангасаликка ўрганиб қолмасликлари учун болаларни бевақт ухлашга одатлантирмаслик;

– кўпроқ пиёда юришга, кўп ҳаракат қилишга, доимий бадантарбия билан шуғулланишга одатлантириш;

– ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказмаслик қондасини унга мунтазам сингдириб бориш;

– спиртли ичимлик ичишдан, тамаки чекишдан, беҳуда ва қалтис ўйинлар ўйнашдан сақланишига эътибор қаратиш ва ҳоказо.

АҚЛИЙ ТАРБИЯ

Фарзандга ақлий тарбия беришдан мақсад, ҳар бир фойдали нарсалар билан унинг фикрини шакллантириш, мушоҳада ва илмий тушунчаларини ўстириш, дунёқарашини тараққий эттиришдан иборат. Токи, фарзанд фикр юритувчи, онгли ва билимдон бўлиб камолга етсин. Ақлий тарбия масъулияти мураббийлар зиммасига фарзандга таълим бериш, унинг онгини ўстириш ва юксалтиришдан иборат вазифаларни юклайди. Ислом уламолари мураббийларга фарзандга ақлий тарбия бериш масъулиятини адо этишларида қуйидаги омилларга эътибор қаратишни тавсия қиладилар: фарзандга таълим бериш вожиблиги; тафаккур доираси, яъни онгини ўстириш; соғлом ақлни муҳофаза қилиш лозимлиги.

Ислом илм дини экани барчага маълум. Куръони каримнинг дастлабки ва бошқа кўплаб оятлари ҳам илм ҳақида тушганлиги илм олишнинг нақадар зарур ва шарафли эканига далолат қилади. Мураббийларнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳам фарзандни

илмли, маърифатли қилиб вояга етказишдан иборат. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўплаб ҳадисларида илм олишни тарғиб қилганлари барчамизга маълум. Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон зиммасига фарздир”, дедилар (*Имом Аҳмад ривояти*). Ислонда илм олишнинг чегараси бешикдан қабргача деб белгиланган. Бас шундай экан, фарзандларга ёшлиқдан уларнинг ақллари кўтарадиган даражадаги илмларни ўргатиб бориш лозим. Фарзандларга таълим бериш оила бошлиғининг Аллоҳнинг олдидаги, жамият олдидаги ҳамда фарзандлари олдидаги бурчи эканини ҳар бир оқил инсон яхшилаб билиб олмоғи керак. Аллоҳ таоло айтади:

“Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангизки, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар (хизмат қилурлар)” (*Таҳрим, 6*).

Ушбу оят юқоридаги фикримизга далилдир. Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу) одамлар мазкур оятнинг маъноси ҳақида сўрашганида, у киши: “Уларга таълим беринглар ва уларга одоб ўргатинглар дегани”, деб жавоб берганлар. Илм олиш оддий инсонни ҳам юксакларга кўтарганини ҳаммамиз яхши биламиз. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) илмни бошқа юртларга бориб бўлса ҳам олишга тарғиб қилганлар. Буюк аждодларимиз илм олиш йўлида қанчалик заҳмат чекиб, бор умрларини шу йўлда сарф қилиб, бунинг натижасида ўзларидан улкан илмий мерос қолдирганини дунё халқлари тасдиқлайди. Ўғил болаларга ўзларига хос, қизларга ўзларига хос бўлган илмларни ўргатиш шаръий нуқтаи назардан лозим-

дир. Баъзи одамларда қиз бола бировнинг хасми, шунинг учун қизларнинг илм олишлари шарт эмас, деган хато фикрлар бор. Имом Муслим ва Бухорийларнинг “Саҳиҳ” тўпламларида бир ривоят келтирилади: “Бир аёл келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули! Эркаклар сиздан ҳадислар эшитиб, кўп нарсалар ўрганмоқдалар. Биз аёлларга ҳам бирор кунни тайин қилинг, Аллоҳ сизга билдирган нарсалардан билиб олайлик”, деганида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фалон-фалон кунлари тўпланинглар”, дедилар. Ана шу кунларда аёллар жам бўларди. Пайғамбаримиз уларга зарур таълимни берар эдилар”.

Исломда аёл-қизларнинг илм олишларига эътибор жуда каттадир. Бунинг далили, Исломнинг дастлабки даврларидаёқ аёллардан шоиралар, хаттотлар, табибалар, ҳадис илмига беназир ҳисса қўшган муҳаддисалар чиққанидир. Ҳатто Имом Бухорий, Имом Шофиъий, Ибн Ҳиббон каби улуг зотларнинг ҳам устозлари орасида олима аёллар бўлгани маълум ва машҳур.

Бугун юртимизда ёш авлодга бўлган эътибор, уларни ҳар томонлама камолга етишлари учун яратилган имкониятлар ҳаммани ҳайратга солади. Замоноавий ўқув даргоҳлари, ҳатто чет элдаги энг нуфузли олий таълим муассасаларининг бўлимлари юртимизда очилиши таҳсинга лойиқдир. Айниқса, қизларимизга мустақил ҳаётларида асқотадиган, жамиятга катта манфаат берадиган мутахассисаларни етиштирувчи қанчадан-қанча ўқув муассасалари мавжудлиги қувончлидир. Бу имкониятлардан фойдаланиб, жаҳон узра катта ютуқларга эришиб, баланд чўққиларни эгаллаётган ёшларни кўриб ҳавасингиз келади. Шу билан бирга, бундай шарт-шароитларнинг қадрига етмай, вақтини, умрини беҳуда ўтказиб, бирор илм ёки касб эгалламай юрган ёшларни, уларнинг ота-оналарини кўриб, хафа бўлиб кетасиз, ачи-

насиз. Бугун ёшларимизга илм олиш учун барча им-кониятлар эшиклари очик бўлса-ю, болалар буни ўз вақтида англаб етмасалар, бунга ота-оналар бепарво бўлсалар, бунинг жавобини ким беради? Бунинг шукрини адо қилиш қандай бўлади? Ўз вақтида илмини, ҳунарини ўргатиш ўрнига баъзи ота-оналар фарзандларини мажбурий меҳнатларга жалб қилиб, ҳали болагигиданоқ турмуш муаммоларига рўпара қилишади. Мактабга, билим юртига бормасдан бекорчи юрган болаларга нисбатан бепарволик қилишади. Фарзандларни моддий жиҳатдан таъминлашда ёки бошқа хоҳишларини бажаришда камчиликка йўл қўйсақ, у кечирилиши мумкин. Аммо таълим ва тарбия борасидаги камчиликларни, хатоларни ҳеч ким кечирмаслигини унутмаслигимиз керак.

Ақлий тарбиянинг омилларидан бири боланинг онгини, яъни фикр доирасини тўғри шакллантиришдан иборат. Ақлнинг бебаҳо неъмат экани, инсон бошқа махлуқотлардан фақат ақли ва забони ила фарқ қилишини уқтириш лозим. Бола онгида она Ватан муқаддаслиги, унинг ҳар бир қарич ери азизлиги, тинчлик-хотиржамлик буюк неъмат экани, истиқлолга осонлик билан эришилмагани, авлод-аждодлар ҳақида, уларнинг эришган ютуқлари ҳақида тўғри тасаввурлар пайдо қилиш, инсон қадр-қиммати, меҳнатнинг қадри ва самараси, оила, қариндош-уруғчилик, жамият, қўни-қўшничилик, меҳр-оқибат ҳақидаги тушунчаларни сингдириб бориш лозим. Қайси даврда, қандай ижтимоий ҳолатда яшаётганимиз ҳақида ҳам уқтириш даркор. Яхши-ёмонни, фойда-зарарни ажратиш йўлларини ўргатиш лозим.

Ислом дини болаларга ақлий тарбия беришда ота-оналар ва мураббийлар зиммасига уларнинг соғлом ақллари муҳофаза қилиш ҳақида ғамхўрлик масъулиятини юклади. Уларнинг ақллари етук, зехнлари

мусаффо, хотиралари мустаҳкам ва фикрлари соғлом бўлиши учун барча чораларни кўриш лозимлигини уқтирди. Болаларнинг ақлий жиҳатдан соғлом бўлишларида ота-она ва мураббийлар қандай ишларни амалга оширишлари лозим?

Бу масъулиятнинг аввали болаларни уларнинг зеҳни ва ақлига салбий таъсир кўрсатадиган иллатлардан муҳофаза қилмоқликдир. Турли бемаъни, мазмунсиз ўйинлар, телевизор, компьютер ёки уяли алоқа воситаларидан миллатимизга, динимизга хос бўлмаган кўрсатув ёхуд ахборотлар, беҳаёликни тарғиб этувчи маълумотларни олишларидан уларни эҳтиёт қилмоқ лозим. Бугунги ахборот алмашуви тезлашган бир даврда ғарб мамлакатларидан шиддат билан кириб келаятган “оммавий маданият” деб аталмиш қабих жараён таъсиридан болаларни ниҳоятда эҳтиёт қилмоқ лозимдир. Токи, болаларимиз ёшлиқдан инсонни инсонийлик қиёфасидан чиқарадиган, ҳис-туйғуларсиз бир манқуртга айлантириб қўямасин. Бундан ташқари, ота-оналар ва мураббийлар болаларга уларнинг ақлий салоҳиятлари кўтармайдиган юмушларни буюришдан сақланишлари керак. Катта ёшдагилар болалар кўз олдида жанжаллар, ҳақоратлар, ваҳшийликлар содир этиши ҳам уларнинг зеҳнларига ва ақлларига салбий таъсир кўрсатишини унутмаслик керак. Болаларни ёшлиқдан бировга озор бермаслик, жонли ва жонсиз нарсаларга зарар етказмаслик руҳида тарбия қилиш лозим.

Имом Шофиъийдек буюк зот бир куни устозлари Вакиъ ҳазратларига: “Устоз, зеҳним кун сайин пасайиб, хотирам сустлашиб кетаётганини сезяпман. Бунинг олдини олиш учун нима қилай?” – деганларида у зот: “Гуноҳ ва хато қилишдан тийилгин”, – деб насиҳат қилган эканлар. Демак, гуноҳ ва хатолар ҳам инсон хотирасига, зеҳнига салбий таъсир кўрсатади. Болаларнинг ёшларига кўра, уларни инсон ақлини

кесадиған, зехнини пасайтирадиған турли зарарли спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан қайтариш, гиёхвандлик каби иллатларнинг салбий оқибатларидан доимо огоҳлантириб туриш лозим. Аммо ўзлари мазкур иллатларнинг соҳиблари бўла туриб, ўзгаларни мазкур иллатларнинг ёмонлигидан қайтармоқчи бўлганлар бирор хайрли натижага эришишлари мумкинмикан? Инсон ўзи амал қилмаган нарсадан қандай қилиб ўзгани қайтара олади? Айтган тақдирда ҳам сўзининг таъсири бўлармикан?

Аллоҳ таоло: **“Эй имон келтирганлар! Сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қилдик ёки қиламиз деб) айтурсиз?!”** (Саф, 2) деб марҳамат қилган.

Шунинг учун ҳар бир ота-она ўзи қилмаган нарсани ёки ўзи сақлана олмаган нарсани болаларга буюрса, бу яхши натижа бермайди. Балки, фарзандлар ёшлиқдан алдовга, нифоққа ўрганади. Бундан эса эҳтиёт бўлмоқ ҳар бир ота-она ва мураббийларга лозимдир.

РУҲИЙ ТАРБИЯ

Болаларга руҳий тарбия беришдан мақсад уларни ёшлиқдан журъат, сидқидиллик, шижоат, сезгирлик, ўзгаларга яхшилик қилиш, ғазаб келганда ўзини тўхтата олишга ўргатиш ва бундан бошқа инсон нафсониятига боғлиқ ҳиссиётларини тартибга солишни шакллантиришдир. Тарбиянинг бу тури болаларни комил ва интизомли шахс қилиб вояга етказишга хизмат қилади. Чунки бола кун келиб, маълум бир ҳолатга тушганда журъату шижоатли бўлсин, доимо ўзгаларга эзгулик улашувчи яхшилик аҳлидан бўлсин, ҳар бир ишда ҳушёр, ғазаби келганда ўзини тутта олсин. Ўзининг тарбия кўрганини намоён қила олсин.

Рухий тарбия борасида сўз борар экан, Ислом ула-молари ота-она ва мураббийлар қуйидаги омил-ларга эътиборли бўлишларини тавсия қиладилар:

• болаларни журъатли ва шижоатли бўлишга ўрга-тиш;

- жасурлик ва ботирлик ҳиссини шакллантириш;
- ҳасаддан сақланишга ўргатиш;
- ғазабни ютишга одатлантириш.

Болаларни ёшлиқдан журъатли бўлишга ўргатиш керак. Журъат кишида қатъиятни шакллантиради. Журъатсиз; қатъиятсиз бўлиб етишган бола ҳаётда кўп қоқилади, хатоларга йўл қўяди. Бошлаган иши охирига етмайди. Айниқса, ноҳақликка гувоҳ бўл-ганида, ҳақ сўзни айтиш ҳолатига тушганида журъ-атли бўлишга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Ҳар бир ота-она жамиятга ҳар бир ишда ғайратли, журъатли, ҳақ сўзни айтишдан чўчимайдиган мард фарзанд-ларни етиштирадиган бўлса, жамият нақадар обод, турмуш фаровон бўлади. Журъат ва шижоат деб, ҳаёю андишани ҳам унутиб қўймаслик керак. Албат-та, журъат ва шижоат ҳам ўзига яраша одоб доираси-да бўлиши матлубдир.

Кунларнинг бирида ҳазрат Умар (розияллоҳу ан-ҳу) Мадина кўчаларидан биридан ўтиб бораётсалар, болалар ўйнаётган экан. Уларнинг орасида Абдуллоҳ ибн Зубайр (розияллоҳу анҳу) ҳам бор экан. Ҳазрат Умарнинг (розияллоҳу анҳу) ҳайбатидан ўйнаётган болалар қочиб кетишди. Абдуллоҳ ибн Зубайр (рози-яллоҳу анҳу) эса қочмасдан бир чеккага ўтиб жим турдилар. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу): “Сен нега болалар билан бирга қочиб кетмадинг?” деб сўрадилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Зубайр (розияллоҳу анҳу): “Сиздан қочай десам, айбдор ҳам эмасман, йўл ҳам тор эмас”, деб жавоб берди. Одоб ва журъат билан айтилган сўз нақадар гўзал!

Халифа Маъмун бир боладан: “Кимнинг ўғлисан?” деб сўрадилар. “Одоб ўғлиман”, деб жавоб берди бола. Шунда халифа Маъмун: “Мунча ҳам насабинг яхши-я”, деб боланинг жавобига қойил қолди.

Ота-оналар болаларини руҳий жиҳатдан тарбия қилар эканлар, уларни қўрқоқ бўлиб қолишларидан эҳтиёт қилишлари керак. Бўлар-бўлмасга қўрқавериш болаларда ўзларига бўлган ишончни йўқотади. Болаларда қўрқоқлик ҳиссини қуйидаги омиллар пайдо қилар экан:

- болаларни қоронғиликдан, шарпа ва арвоҳлардан қўрқитиш;

- болалар ҳузурида ортиқча хавотир ва ҳадиксираш;

- уларга хаёлий қиссаларни ҳикоя қилиш (жинлар, парилар ҳақида) ва ҳоказо.

Болаларни қўрқмас, жасур қилиб тарбия қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўғил бола ва қиз болани ўзига хос равишда тарбия қилиш лозим. Ислом уламолари нафсни тарбия қилишда болаларда ҳасад деган иллатнинг пайдо бўлишидан эҳтиёт бўлишни тавсия қиладилар. Ҳасад – ўзга инсондаги неъматнинг йўқ бўлишини умид қилишдир. Яъни, бир кишининг мулкидан ёки обрў-эътиборидан ёхуд бирор ютуғидан жудо бўлишини ич-ичидан ишташдир. Бу жамиятда учраб турадиган хатарли ҳодисадир. Тарбиячилар болаларда мана шундай сифатлар пайдо бўлишининг олдини олишмаса, бу ёмон натижаларга ва хатарли асоратларга сабаб бўлади.

Кўпчилик мураббийлар болаларда ҳасад иллатининг вужудга келишидан беҳабар қоладилар. “Фарзандимда бундай иллат йўқ, у ҳасадгўй эмас”, деб ўйлайдилар. Ёки умуман бу иллат ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ваҳоланки, ҳасад инсон қалбида турли сабаблар ила секин-аста шаклланиб борадиган ил-

лат. У кучайиб кетса, муолажа қилиш ҳам осон кечмайди. Руҳий тарбия уламолари болада ҳасад пайдо бўлиши, она гўдагини озиқлантириш учун кўксини тутганида каттароқ ёшдаги боласи қараб турганидаёқ бошланиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Укасининг эмаётганини кўрган мурғак онасини укаси-дан қизғанар экан. Шундай пайтда ота ёки она уни эркалаб, мақтаб унга яхши муносабатда бўлиб туриши лозимлигини уқтирадилар. Шунинг учун мураббийлар ҳикматли сўзлар, кучли маънавий тарбиявий озуқалар билан болаларда бундай иллатнинг вужудга келишига қарши курашмоқлари лозим. Аввало, болада ҳасадни пайдо қиладиган омилларга назар солсак:

- болаларнинг ҳузурида бирини зехнли, ҳушёр, иккинчисини калтафаҳм, аҳмоқ деб таърифлаш;
- бирига ғамхўрлик қилиб, бошқасига эътиборсизлик қилиш;
- уларнинг олдида бирига совға бериб, бошқасини маҳрум қилиш;
- бирини эркалаб, иккинчисига дўқ-пўписа қилиш;
- яхши хулқли боланинг бирор камчилиги ёки ножўя ҳаракатидан кўз юмиб, бошқасини кичик камчилиги туфайли танқид қилиш.

Ана шундай ҳолатдан ота-оналар ва мураббийлар эҳтиёт бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Мазкур хатолардан бирига йўл қўйилса, болаларда ҳасад вужудга келиши учун замин бўлади.

Қуйидаги ишлар болаларда ҳасад униб чиқишининг олдини олади:

- болаларга бўлган муҳаббатни уларга билдириб туриш. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) набиралари Ҳасан ва Ҳусайнларни (розияллоҳу анҳумо) доимо яхши кўрганлари, эркалаб суйганлари хабарларда келган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки қўл ва тиззаларида юриб, набирала-

рини елкаларининг икки томонига миндириб: “Икковингизнинг туяларингиз бунча ҳам яхши, сиз иккалангиз бунча ҳам яхшисиз”, дер эдилар. Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Бир кунни бир аъробий Пайғамбаримиз олдиларига келиб: “Сизлар фарзандингизни ўпасизми? Мен ўпмайман”, деганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ сизнинг қалбингиздан меҳрни (суғуриб) олиб қўйган бўлса, мен нима ҳам қилардим”, дедилар” (*Имом Бухорий ривояти*);

– болалар орасида адолатли бўлиш. Фарзандларни баробар кўриш, уларга бир хил муносабатда бўлиш, ҳатто, совға улашганда ҳам бир хил йўл тутиш уларда ҳасад пайдо бўлишининг олдини олади. Улар бир-бирига нисбатан муҳаббат, ҳурмат билан, софдил бўлиб вояга етадилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Болаларга совға беришда ҳам баб-баравар қилинлар”, деганлар (*Имом Табароний ривояти*). Анасдан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида ўтирганида ўғли келди. Уни пешонасидан ўпиб, сонига ўтирғизди. Сўнгра қизи келди. Уни эса ёнига ўтирғизди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уларга бир хил (муомалада) бўлмайсанми?”, дедилар”.

Ғазабни жиловлаш ҳам нафсни тарбия қилишда муҳим аҳамият касб этади. Инсон туғилганидан бошлаб ҳаётининг охиригача ғазаб ҳисси маълум маромда унга ҳамроҳлик қилади. Кўпинча биз ғазабни салбий хислат сифатида биламиз. Уни мутлақо тарк қилишга ҳаракат қиламиз ёки кимнидир ундаймиз. Аммо Аллоҳ инсонни яратганда унинг жисмида ғазабни ҳам пайдо қилган. Уни мутлақо йўқ қилишга ҳаракат қилиш ҳам хатодир. Бироқ уни ўрнида ишлатиш, кераксиз ўринда ишлатмаслик, арзимас нар-

саларга ғазабланмаслик ҳақида нафс тарбияси билан шуғулланиш лозим. Бир киши: “Менга васият қилинг”, деб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келганида у зот: “Ғазаб қилма!” дедилар. У бир неча марта сўраганида ҳам Пайғамбаримиз: “Ғазаб қилма”, деб жавоб берганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ораларингизда кимни паҳлавон деб ҳисоблайсизлар?” деб савол бердилар. Шунда саҳобалар: “Курашда ҳеч кимга енгилмаган кишини”, дейишди. Шунда у зот: “Йўқ. Ҳақиқий паҳлавон ғзаби келганда ўзини тўхтата олган одамдир”, деб марҳамат қилдилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*). Болаларни ёшлиқдан ғзаб қилишдан сақланишга одатлантириб бориш лозим. Уларда ғзаб ҳиссини шакллантирадиган нарсалар нималар бўлиши мумкин? Булар:

– болаларнинг ғзабини, жаҳлини чиқарадиган нарсалардан бири таомга бўлган эҳтиёж бўлади. Ўз вақтида овқатлантирмаслик ёш болаларни ҳам ғазабланишига олиб келади. Ота-оналар ушбу масалага эътиборлироқ бўлишлари тавсия этилади.

– касаллик ҳам болаларнинг ғзаби келишига сабаблардан биридир. Бундай вазиятда ҳам ота-оналардан ҳушёрлик ва ўз вақтида тиббий ёки бошқа муолажа билан машғул бўлишлари лозим.

– болаларни сабабсиз сўкиш, камситиш уларнинг ғазабланишига боис бўлади. Бундан ота-оналар тилларини сақлашлари лозим. Чунки бесабаб ҳақорат, камситишлар болаларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, унинг соғлиги, хулқи ёмонлашувига сабаб бўлади.

– гоҳида болаларнинг ғазабланиши кимларгадир тақдидан ҳам бўлиши мумкин. Бунда ота-оналар болаларига ҳалимликда яхши намуна кўрсатиши,

уларни бардошга, ғазаб келганда сабр қилишга ўргатишлари лозим.

– болаларда ғазаб пайдо бўлишига уларнинг ҳаддан ошишлари ва нозу неъматларга ғарқ бўлиб ўсишлари ҳам сабаб бўлади. Ота-она ва мураббийлар бундай вазиятда болаларга нисбатан мўътадил муносабатда бўлишлари, муомалада табиий, нафақа ва таъминотда ҳам бир оз ўртаҳоллик қилишлари мақсадга мувофиқдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳаддан ташқари неъматларга ғарқ бўлманглар, чунки бандаларнинг ҳаммаси ҳам роҳат-фароғатда яшовчи эмаслар”, деб марҳамат қилганлар (*Имом Аҳмад ривояти*). Бола ҳаддидан ошса ёки ўзидан йўқсилроқ болани кўрса, унга нисбатан камситиш ва ғазаб қилишга ўтади. Мураббийлар шу жиҳатга ҳам эътиборли бўлишлари лозим.

– болаларни масхара қилиш, устиларидан кулиш ва турли лақаблар билан аташ уларда ғазаб уйғотадиган ишлардир. Ота-оналар ва мураббийлар болаларга юқоридаги сифатлардан сақланиш, унинг оқибати ёмонлигини тушунтириб боришлари керак.

ИЖТИМОЙ ТАРБИЯ

Фарзандга ижтимоий тарбия бериш унинг жамиятда комил шахс сифатида гавдаланиши учун лозим бўладиган зарурий одоб ва қоидаларни ўргатишдан иборат. Бола секин-аста кўпчиликка қўшилар экан, ота-онасидан олган барча турдаги тарбияни қай даражада олганини намоён қилади. Энди унга жамиятда ўзини қандай тутиш, ўзгалар билан бўладиган муомала-муносабатларда ўзига хос тартиб ва қоидаларни ўргата бориш лозим. Бу борада мураббийларга катта масъулият юклатилади. Токи, фарзанд жамиятда ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилсин, одобни лозим тутиш орқали бош-

қаларда яхши таассурот қолдирсин, ақлий мувозанатни мушоҳада қила олиши билан жамиятда ўзига муносиб ўрин эгалласин.

Ижтимоий тарбиянинг бошида фарзандни ёшликдан ўзгалар ҳақиға риоя қилишға ўргатиш туради. Аввало, ота-оналар ҳурматиғи жойиға қўйиш, уларнинг ҳақлариға эътиборли бўлиш ўргатилади. Болаларнинг ақллари кўтаришича, боланинг ота-она олдидаги бурчлари тушунтириб борилади. Аллоҳнинг ризолиғи ота-онанинг ризолиғида экани, Аллоҳ йўлида қилинган саъй-ҳаракатларнинг ичида энг афзали ҳам ота-онаға яхшилиқ қилиш экани уқтириб борилади. Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Бир киши Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келди. Унинг ёнида бир кекса отахон ҳам бор эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сен билан бирға келган киши ким?” деб сўрадилар. У: “Отам”, деди. Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унинг олдиға тушиб юрма, ундан олдин ўтирма, исмини айтиб чақирма ва унга лаънат келтирма”, дедилар” (*“Мажмаъуз завоид” китобидан*). Шу ўринда фарзандларнинг ота-оналарига қиладиган муомалалари ҳақида уламоларимизнинг тавсияларини келтириб ўтишни жоиз деб ҳисобладик:

- ота-онанинг буюрган ҳар қандай гуноҳға бошламайдиган юмушларини адо этиш;
- уларға лутф ва адаб билан муомала қилиш;
- улар ёки бирлари кирганда ўриндан туриб кутиб олиш;
- уларнинг шаъни, шарафи ва молиғи муҳофаза қилиш;
- уларни икром қилиш ва ҳар бир сўраган нарсаларини бериш;

- барча ишларда улар билан маслаҳат қилиш;
- уларнинг ҳақиға дуо ва истиғфorni кўп айтиш;
- улар ҳузурида меҳмон бўлса, фарзанд эшикка яқин жойда ўтирсинки, хизмат буюришларига қулай бўлсин;
- улар буюрмасларидан ҳам уларни хурсанд қиладиган ишларни қилиш;
- уларнинг ҳузурида овозни баланд кўтармаслик;
- ота-онанинг гапларини бўлмаслик;
- улар изн бермасалар ҳовлидан чиқмаслик;
- улар ухлаётган бўлсалар, бесабаб безовта қилмаслик;
- фарзандга ёқмайдиган иш қилсалар ҳам маломат қилмаслик;
- уларнинг ҳузурида ноўрин кулмаслик;
- улардан олдин таомга қўл узатмаслик;
- уларнинг ҳузурида ёнбошламаслик ёки оёқ узатиб ухламаслик, агар изн берсалар майли;
- улардан олдин уйга кирмаслик, олдиларига тушиб юрмаслик;
- чақирганларида тезлик билан жавоб қилиш;
- улар ҳаётлик даврларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам дўстларини икром қилиш;
- ота-онасига яхшилик қилмаганлар билан дўст бўлмаслик ва ҳоказо.

Иккинчи навбатда насаб ва яқинлик жиҳатидан қариндош бўлганлар ўртасидаги муомала-муносабатлар, ҳақ-ҳуқуқлар ҳақида тушунчалар бериб борилади. Айниқса, ака-укалар, опа-сингиллар, ама-халалар, амаки-тоғалар каби яқин қариндошлар билан силаи раҳм қилишни фарзандларга ёшлиқдан ўргатиб бориш лозим. Фарзандларга силаи раҳм қилиш лозимлигини ўргатувчи мураббийлар ўзлари

меҳр-оқибатли бўлишлари даркор. Силаи раҳм масаласида болалар катталарга қараб йўл тутади.

Учинчидан, болаларга қўшнилар билан яхши муносабатда бўлиш кераклигини ўргатиш лозим. Бунда тўртта қоида бўлиб, улар: қўшнига зиён етказмаслик, уларни ёмонлик истовчилардан ҳимоя қилиш, қўшниларга нисбатан яхши муомала қилиш ҳамда улардан келган жафою озорга ҳалимлик ва бағрикенглик билан жавоб қайтариш. Ана шу қоидалар асосида болаларда қўшниларга нисбатан муносабатни шакллантириш даркор.

Тўртинчидан, устоз ва мураббийлар ҳақига риоя қилишни ўргатиш лозим. Болаларни устозларига нисбатан тавозелик, камтарлик, ҳурмат ҳисси ила, унинг олдида доим одоб билан туриш, ундан етган баъзи азиятларга сабр қилиш, илм олиш йўлида сабот билан туриш каби хислатларга ўргатиш керак. Илгари шогирдларнинг устозларига бўлган муносабатлари, хизматлари қай даражада бўлгани ҳақида болаларга кўпроқ гапириб бериш керак. Бугунги кунда болаларнинг мактабларда, ўқув даргоҳларида устоз ва мураббийларига қилаётган муомалаларидан гоҳида ранжийсиз. Ота-оналарнинг ҳам нотўғри хатти-ҳаракатлари натижасида болаларнинг тарбияси издан чиқаётганининг гувоҳи бўласиз. Ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам болага бир ҳарф ўргатишнинг уддасидан чиқавермайдилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда устозларнинг меҳнати, фидойилигини фарзандлар ҳам, ота-оналар ҳам қадрлашлари лозим.

Бешинчидан, болаларни ёшлиқдан дўст танлашга ўргатиш керак. Ибн Асокир ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ёмон киши билан дўстлашишдан сақлангин. Чунки сен у билан таниласан”, деб марҳамат қилганлар.

Дўстлик, биродарлик ҳақида сўз борар экан, бу борада болага ўргатиш лозим бўлган одоблардан айримларини зикр қилиб ўтсак:

- кўришганда салом бериш;
- бемор бўлса, хабар олиш;
- қийинчилик пайтида ёрдам бериш;
- чақирса, ижобат қилиш;
- байрам кунларида хурсандчилик ила табрик этиш;
- вақти-вақти билан ҳадя ва совғалар бериш ва ҳоказо.

Энг муҳими болаларга жамият билан боғлиқ алоқаларга оид оммавий ижтимоий одобларни ҳам ўргата бориш керак. Булар:

- саломлашиш одоби;
- овқатланиш одоби;
- кийиниш одоби;
- сўзлаш, тинглаш одоби;
- изн сўраш одоби;
- ҳазил-мutoйиба одоби;
- йиғин ва мажлислар одоби;
- байрамлар одоби ва ҳоказо.

Болалар ривожланиш ёшига кўра секин-аста жамиятга аралаша бошлайди. Шундай ҳолларда улар ўзларини тутишлари билан ота-оналар ва мураббийлардан олган ижтимоий тарбиялари қай даражада эканини намоён қиладилар. Шунинг учун ота-оналар фарзандлари жамиятда ўзларига мос ўринларини эгаллашлари, комил инсон бўлиб етишишлари йўлида ижтимоий тарбия масъулиятига катта аҳамият беришлари лозим.

Бугун фарзандларимиз бахтиёр ҳаёт кечиришмоқда. Чунки мухтарам Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, деган шиорлари ости-

да юртимизда ёш авлоднинг бахти, келажаги учун қилинаётган ишларни таъриф қилишга тил ожиз. Ана шу яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фарзандларимизни ҳар томонлама етук, билимли, соғлом, энг асосийси, жамиятга манфаат келтирадиган қилиб тарбиялашимиз шарт.

ЖИНСИЙ ТАРБИЯ МАСЪУЛИЯТИ

Фарзандларга жинсий тарбия беришдан мақсад жинсга боғлиқ муносабат ва қоидаларни ўргатиш орқали улардаги ички инсоний ҳиссиётларни тартибга солиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашдан иборат. Токи, фарзанд ўсиб улғайганда, ҳаёт мазмунини фаҳмласин, ахлоқийлик ва ахлоқсизликни фарқласин, шаҳват ортидан юриб, таназзулга юз тутмасин, умри завола топмасин. Ислоҳ уламолари фарзандларни жинсий тарбия қилишда уларни ёш жиҳатидан қуйидаги босқичларга ажратишади:

– 7-10 ёш оралиғи ажратиш, фарқлаш ёши деб аталади. Бу даврда болаларга изн сўраш одоби ўргатилади;

– 10-14 ёшлар оралиғи ўсмирлик ёши бўлиб, бу вақт мобайнида болаларни барвақт жинсий уйғонишларидан эҳтиёт қилишга доир чора-тадбирлар қўлланилади;

– 14-16 ёш оралиғи балоғат ёши бўлиб, унда мустақил ҳаётга, яъни камолотга тайёрлаш борасида тушунчалар шакллантирилади;

– 17 ёшдан бошлаб оила асослари, иффат, турмушнинг ўзига хос тартиблари ҳақидаги билимлар бериб борилади.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

“Эй имон келтирганлар! Қўл остингиздаги (қул ва чўри)ларингиз ҳамда балоғатга етмаган (фар-

занд)ларингиз уч марта (хузурингизга кириш-
да) сизлардан изн сўрасинлар – бомдод намози-
дан илгари, пешин вақтида (иссиқдан) кийимла-
рингизни ташлаган пайтингизда ва хуфтон на-
мозидан кейин. (Бу) уч (вақт) сизларнинг авратла-
рингиз (очиқ бўлиши мумкин бўлган вақтлар)дир.
Улар ўша (вақтлар)дан сўнг (изн сўрамай кирсалар)
сизларга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқдир. (Чунки)
улар сизларга, бирингиз бирингизга келиб-кетиб
турувчидирсиз. Аллоҳ оятларини сизларга мана
шундай баён қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат со-
ҳибидир. Қачонки, гўдакларингиз балоғатга ет-
са, бас, улар ҳам худди ўзларидан олдинги (бало-
ғатга етган)лар каби изн сўрасинлар! Аллоҳ Ўз
оятларини сизларга мана шундай баён қилур.
Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир” (Нур, 58–59).

Ушбу ояти карималарда уй ичидагиларнинг бир-
бирлари олдига кириши учун изн сўраши кераклиги
хақида гап юритилмоқда.

Ҳозирда баъзи хонадонларда мардикорлар ёки
уй хизматчилари одатда хонадон ичида аралашиб
юрадилар. Шунингдек, кичик ёшдаги болалар ҳам.
Кўплар бу ҳолатларга беписандлик билан қарайди-
лар. Аслида эса, бу ўзимизнинг хизматчимиз-ку
ёхуд бу ўзимизнинг балоғатга етмаган кичик бо-
ламиз-ку, демасдан, ҳушёр бўлиш керак. Болалар-
нинг одоб-ахлоқ доирасида тарбия топишларига
аҳамият бериш керак.

Балоғатга етган ўғил-қизлар ота-оналари ва бош-
қалар ҳузурига изнсиз киришлари мумкин эмас.
Ривоятларда келишича, саҳобаи киромлардан би-
ри ушбу оят нозил бўлганидан кейин Расулуллоҳга
(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мурожаат қилиб:

“Эй Аллоҳнинг расули, менинг онам қариб қолган,
мен унинг хизматиini қилиб тураман, ҳар кирганим-

да рухсат сўрашим керакми?” деганида Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Нима, бўлмаса, онангни кийимсиз ҳолда кўрмоқчимисан?!” деган эканлар. Айнан шу мулоҳаза туфайли балоғатга етган болалар бир оила аъзолари бўлсалар ҳам, бир-бирларининг ҳузурларига киришдан олдин изн сўрашлари жорий қилинган. Юқоридаги Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларидан келиб чиқиб, тарбия илми билан шуғулланувчи уламолар изн сўрашнинг қуйидаги одобларига амал қилишни тавсия қилганлар:

- кировчи изн сўрашдан олдин салом бериши;
- изн сўровчи киши ўзининг исмини айтиши;
- уч марта изн сўраши;
- эшикни қўполлик ила тақиллатмаслиги;
- изн сўраётган пайтда эшикдан бошқа томонга қараб турмоқлиги;
- ичкаридан жавоб бўлмаса ёки рухсат бўлмаса, ортга қайтиш лозимлиги ва ҳоказо.

БОЛАЛАРНИ БАРВАҚТ ЖИНСИЙ УЙҒОНИШДАН ЭҲТИЁТ ҚИЛИШ

Болаларни 10-17 ёшлар оралиғида барвақт жинсий уйғонишидан, ахлоқий бузуқлик таъсирига тушиб қолишидан эҳтиёт қилиш лозим. Ахлоқий тарбия уламоларининг фикрларига кўра, ўсмирлик ёши жинсий нуқтаи назар жиҳатидан инсон ҳаётида энг хатарли давр ҳисобланади. Чунки мазкур даврда инсон ички оламидаги ўзгаришлар хулққа таъсир қилади. Уни тартибга солиш, тўғри йўналиш беришда ота-оналар ва мураббийларга катта масъулият юклатилади. Ота-оналар болаларни ички ва ташқи жиҳатдан назорат қилишлари матлубдир. Бу йўлда қуйидаги тавсияларга риоя қилиш лозим:

– ўсмир ёшдаги йигит ва қизларни шахватни уй-ғотадиган муҳитдан асраш. Бундан ташқари, оилада қачонки, болалар ўн ёшга етганда уларнинг ётоқларини алоҳида қилиш ҳақида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида таъкидланади;

– телевизорда ахлоқсизликни тарғиб этувчи, миллатимизга, динимизга ёт бўлган кўрсатувларни кўришларини ман қилиш;

– беҳаё суратлар, газета-журналлардан, ҳаёсизлик, андишасизлик руҳида ёзилган мақола ва ҳикояларни ўқишларини ман қилиш;

– айниқса, қўни-қўшниларнинг ўсмир ёшдаги болаларнинг ўғил бола – қиз бола аралаш ўйинларига ҳушёр бўлиш;

– кино, театр каби маданий ҳордиқ чиқариш масканларига ўсмир ёшдаги йигит-қизларнинг ёлғиз боришлари масаласига эътибор қаратиш;

– тарбияси бузуқ болалар билан ҳамсуҳбат бўлишларидан эҳтиёт бўлиш;

– кийиниш одоби масаласида болаларни ёшликдан миллийликка, шарму ҳаёга ўргатиб бориш;

– болаларга ёшига кўра ўсмирлик ва балоғат ҳукмлари ҳақидаги тушунча ва билимлар бериб бориш;

– поклик, таҳорат ва ғуслга оид масалаларни ўргатиш.

Фарзандлар балоғат ёшига етгач, уларга никоҳ ва оила асослари, келинлик ва куёвликка тайёргарлик, оилавий бурч ва мажбуриятлар каби билимларни ўргатиш зарур. Кўпинча айнан шу масалада камчиликлар учрайди. Уят, андиша деб зарур нарсалар таълим берилмайди. Аслида, болани оилавий ҳаётга тайёрлаш уят ҳам, андиша ҳам эмас, балки заруратдир. Болани балоғатга етди, бўйи бўйимга тенг

бўлди, деб эрта уйлантириб қўйиш ёки эрта турмушга узатиш ҳолатлари ҳозир ҳам учраб турибди. Лекин шуни яхши тушуниш лозимки, балоғатга етди дегани камолотга етди, дегани эмас. Турмуш, рўзгор юритиш тартибларини ўргатмасдан шошилиб, фарзандларини никоҳлаб қўйган кишилар орасида афсус қилганлари ҳам бор.

Баъзи ота-оналар фарзандларни тарбия қилишда ўзида барча яхши сифатларни жамлаган, салбий иллатлардан йироқ, ҳар томонлама етук инсонларга ҳавас қилиб, улардан намуна олиш ҳаракатида бўладилар, болаларини уларга ўхшашини ният қиладилар. Тақлидий тарбия борасида энг катта намуна ва ўрнак Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хулқлари ҳақида сўрашганида “Хулқлари Қуръон эди”, деб жавоб берганлар. Мусулмон киши ҳар бир ишда Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўрнак ва намуна олиши, фарзандларини ҳам ёшлиқдан у зотнинг хулқларига мувофиқ тарбия қилишга ҳаркат қилиши лозим. Аммо бугунги кунда болаларимизга кимга тақлид қилиб исм қўймоқдамиз, уларнинг кимларга ўхшашини хоҳлаяпмиз? Биз ҳавас қилган инсонларнинг ҳаёти, фаолияти, турмуш тарзи қай даражада комилликка мос? Буни жиддий ўйлаб кўриш керак!

Фарзандларга тарбия беришда динимизга, миллатимизга хос бўлган амалларга одатлантиришга катта эътибор қаратиш лозим. Тарбияга мезон сифатида диний ва миллий қадриятларимизни олиш мақсадга мувофиқдир. Ёшлиқдан улар яхши одатларга ўргатилса, тарбиянинг самараси буюк бўлади. Бунда доимий ваъз-насиҳат орқали болалар қалбига яхши-

лик уруғини солиш кутилганидан ҳам кўра кўпроқ манфаат беради. Аллоҳ таоло ҳазрати Луқмонни ўғилларига қилган насиҳатларини шундай баён қилади:

“Эсланг, Луқмон ўғлига насиҳат қилиб, деган эди: «Эй ўғилчам! Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк улкан зулмдир». Эй ўғилчам! Намозни баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар)га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир” (Луқмон, 13, 17).

ТАРБИЯДАГИ АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Мураббийлар ва ота-оналар учун лозим бўлган сифатлар:

Фарзанд баркамол бўлиб етишиши учун унга тарбия берадиган мураббийлар ахлоқли, комил инсон бўлишлари лозим. Фарзандга тарбия беришда илк мураббий ота-она ҳисобланади. Фарзанд мураббийдан кўрган нарсани ўзига олади. Тарбия уламолари фарзандларнинг тарбияли бўлиб етишиши учун ота-она ва бошқа мураббийларда беш сифат бўлиши лозим, деганлар. Булар:

1. Ихлос.
2. Тақво.
3. Илм.
4. Ҳилм.
5. Масъулият.

1. Ихлос – аввало мураббий тарбия ишларини сидқидилдан яхши ният ила холис Аллоҳ учун деб қилмоғи лозим. Бу ишлари хоҳ буйруқ бўлсин, хоҳ қайтариқ бўлсин, хоҳ насиҳат бўлсин, хоҳ таъзир бўлсин Аллоҳ учун деб, савоб умид қилиб қилсин. Чунки сўз ва ишда ихлос қилиш имоннинг асоси, исломнинг тақозосидир. Аллоҳ таоло ихлоссиз қи-

линган амални қабул қилмайди. Бу ҳақда Куръони каримда ва Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида кўплаб таъкидлар келган.

Умар ибн Хаттобдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай дедилар: “Албатта амаллар ниятга қараб бўлади ва ҳар бир киши нимани ният қилса шуни олади” (*Муттафақун алайҳ*).

Абу Довуд ва Насоийдан ривоят қилинган яна бир ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай дедилар: “Албатта, Аллоҳ азза ва жалла амалдан фақат холис У учун бўлганини ва у (амал) билан Унинг юзи (розилиги) талаб қилинганингина қабул қилади.”

Шундай экан, ота-она, мураббийлар таъсир ўтказувчи, фарзандлари ва шогирдларига суюкли бўлиши ва Аллоҳнинг ҳузурида амаллари мақбул бандалардан бўлиши учун ҳар бир қилаётган ишида Аллоҳнинг розилигини қасд қилиб, пок ният ва ихлос билан бажариши лозим.

2. Тақво мураббийда бўлиши вожиб бўлган сифатлардан биридир. Тарбия уламолари тақвога шундай таъриф берадилар: “Аллоҳ ўзи қайтарган жойда сени кўрмаслиги ва ўзи буюрган жойда сени йўқотмаслигидир”.

Баъзилар тақвони шундай таърифлаганлар: “Аллоҳнинг азобидан солиҳ амал билан ошкор ва пинҳонда ундан қўрқиш ила сақланишдир”.

Бу икки таърифнинг берадиган тушунчаси бирдир. Яъни, банда доим Аллоҳнинг назоратида эканлигини ҳис қилиб, раббоний йўл тутиши ва ҳаромдан четланиб, ҳалолни қасд қилишидир.

Сўзимизни ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) билан Убай ибн Каъб (розияллоҳу анҳу) ўртасида бўлган воқеа қувватлайди: Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)

Убай ибн Каъбдан тақво ҳақида сўрадилар. У киши: “Тиканли йўлдан юрганмисиз?” – дедилар. Ҳазрат Умар: “Ҳа”, – дедилар. “Нима қилгансиз?” – дедилар. Убай ибн Каъб. “Эҳтиёт бўлиб юрганман”, – дедилар. “Ана ўша тақво”, – деб жавоб бердилар Убай ибн Каъб.

Қуръони каримнинг бир неча оятларида тақво ҳақида бундай келтирилади:

“Эй имон келтирганлар! Аллоҳдан чинакам кўрқув билан кўрқингиз ва мусулмон бўлмай дунёдан ўтмангиз!” (Оли Имрон, 102).

Ҳақиқий тақво қилиш барча гуноҳлардан сақланиш билан бўлади. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтганлар: “Тақво – исён қилмаслик, итоат қилмоқликдир. Аллоҳни унутмаслик, уни эслашлик. Шукр қилиш, унга ношукрлик қилмасликдир”.

Ислом арконларига мустаҳкам амал қилиш, вафот қилгунга қадар шариат кўрсатмаларини озик тишлар билан тишлаган каби унда истиқоматда туриш билан дунёдан мусулмон ҳолатда ўтган ҳисобланади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

“Эй имон келтирганлар! Аллоҳдан кўрқингиз ва (ҳар бир) жон (эгаси) эртанги кун (қиёмат) учун нимани (қандай амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир” (Ҳашр, 18).

Бундан ҳар биримиз қиёмат куни бизга фойда берадиган амаллар ҳозирлаб қўйишимиз лозимлиги тушунилади. Ана шу солиҳ амаллар сирасига биз эртанги кун учун ўзимиздан кейин фарзандларни ҳам солиҳ тарбия қилиб қолдириш ҳам киради.

Шунингдек, Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам тақво ҳақида жуда кўп ҳадислар ворид бўлган. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтишича, Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Аллоҳнинг расули! Инсонларнинг энг қарамлиси

ким?” деб сўралди. У зот: “Уларнинг тақводорроғи” дедилар (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Имом Термизий Абу Ҳурайрандан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: У киши айтадилар: “Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонларни энг кўп жаннатга киргизадиган нарсаси ҳақида сўрадилар. У зот: “Аллоҳга тақво қилиш ва гўзал хулқ”, дедилар”.

Анас (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳга тақво қилгин. Ёмон ишга уни ўчириб юборадиган яхшилиқни эргаштиргин ва инсонларга гўзал хулқ билан муомала қилгин” (*Имом Аҳмад, Термизий ва Ҳоким ривоят қилган*).

Фарзанд мураббийда кўрган хулқини олади. Агар мураббий ўзида тақвони кўрсатмаса, фарзанд ҳам залолат ва жаҳолат хулқи билан улғаяди. Мураббийлар агар фарзандлари, шогирдлари баркамол бўлиб улғайишини истасалар, ушбу ҳақиқатни тушуниб етишлари керак. Айтаётган сўзлари, насиҳатларининг фарзандга таъсири бўлиши учун ўзи ҳам айтганига амал қиладиган тақводорлардан бўлсин. Чунки фарзандни, шогирдни яхшиликка буюриш қийин эмас, лекин бу насиҳатларни, буйруқларни фарзанд қабул қилиши учун мураббий айтаётганига ўзи ҳам амал қилиши керакдир. Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

“Аллоҳ (йўли)га даъват этган ва ўзи ҳам солиҳ амал қилиб, Мен мусулмонлардандирман», – деган кишидан кўра ким чиройлироқ сўзловчидир?!” (*Фуссилат, 33*).

3. Илм мураббий сифатланиши лозим бўлган сифатларнинг учинчиси ҳисобланади. Мураббий Ислом шариати олиб келган тарбия илмларини, ҳаром ва ҳалол, одоб ва ахлоқ илмини билиши лозим. Чунки булар мураббийни баркамол тарбия беришига ёрдам

берадиган омиллардир. Бу борада Қуръони карим ва Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратларини ўзига дастур қилиб олсин. У зот тарбиялаган саҳобаларнинг тарбия усулларини яхши ўргансин.

Агар у илмдан, хусусан, фарзанд тарбияси илмидан беҳабар бўлса, ғафлатда қолса, у тарбиялаган фарзанд ҳаёти мобайнида ўз ўрнини топа олмайдиган, эътиборсиз, қиймати йўқ бир унсурга айланади. Чунки ўзида йўқ нарсани қандай қилиб бировларга бериши мумкин. Сувсиз ҳовуздан сув олиб бўлмаганидек, ёқилғисиз чироқ нур тарата олмаганидек, илмсиз мураббий ҳам гўзал ахлоқли баркамол авлод етиштира олмайди. Илми бўлмаган киши Аллоҳ ҳузуридаги улкан масъулиятни ҳис этмайди. Шунинг учун шариат илмга катта эътибор беради. Кўплаб оятлар ва ҳадислар инсонни илми бўлишга буюради.

Жумладан:

“Айтинг: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!» Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар” (Зумар, 9).

“Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур” (Мужодала, 11).

“...айтинг: «Эй Раббим! Менга илмни зиёда эт!»” (Тоҳо, 114).

Муовия (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло кимга яхшилиқни хоҳласа, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”, дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким илм талаб қилиб йўлга чиқса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди”, деганлар.

Мана шу қуръоний ва набавий кўрсатмалардан кейин мураббий ва ота-оналар тарбия йўналишларига оид манфаатли илмларни ўрганишлари лозимлиги англашилади. Чунки келажак улар тарбиялаган фарзандларга боғлиқдир.

4. Ҳилм – мураббий фарзандларга гўзал тарбияни беришда унга нажот берадиган сифатларнинг асосийсидир. Ҳилм – бу мулойимлик дегани. Шу сифат сабабидан унинг сўзларини тарбияланаётган фарзанд яхши қабул қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳалимлик сифати билан саҳобаларни ўзларига жалб қилдилар. Ҳалимлик соҳиби билан суҳбатлашган киши унга муҳаббатли бўлади. Биз учун намуна бўлган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ўзи тарбиялаётган саҳобаи киромларни ўзларига мазкур ҳалимлик сифати билан жалб қилдилар, муҳаббатли қилдилар. Агар у зот ҳилмнинг зидди, яъни қўпол, қалби қаттиқ, дарғазаб бўлганларида эди, атрофларига жамланган саҳобалар тарқалиб кетган бўлардилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

“Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй Муҳаммад), уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар. Бас, уларни афв этинг” (Оли Имрон, 159).

Демак, Расули акрамнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўмин мусулмонларга мулойим бўлишлари ўзлари учун ҳам, умматлари учун ҳам Аллоҳнинг раҳмати экан. Мулойим, ширинсўз бўлиш катта бахт ҳисобланади. Чунки одамлар бир оғиз бўлса ҳам, яхши сўзнинг гадоси. Киши яхши сўз эшитган жойига, мулойим муомала кўрган шахсига меҳр кўяди. Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сифатлари бу жиҳатдан энг олий

эди. У зотнинг энг жалб қилувчи сифатлари ҳам шунда эди.

Мураббий шу сифат сабабидан мақталган бўлиб, мазаммат қилинган ахлоқлардан йироқда бўлади. Ер юзида фаришта каби юриб, одамлар орасида тўлин ойдек кўриниб туради. Шу сабабдан Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар ҳалимлик сифатига тарғиб қилгандир. Хусусан, мураббийлар бу сифатни ўзларига сингдиришлари керак. Чунки ҳилм ҳулқий ва нафсий фазилатларнинг энг буюгидир. У инсонни дунёда ахлоқларнинг энг олийсига – баркамолликнинг чўққисига олиб чиқади. Қуйида оят ва ҳадислардан мисоллар келтирамиз. Аллоҳ таоло бу ҳақида Қуръони каримда бундай деган:

“Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар” (Оли Имрон, 134).

“Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг!” (Аъроф, 199).

“Албатта, кимки (азиятларга) сабр қилса ва (Аллоҳ учун) кечириб юборса, албатта, бу пухта ишлардандир” (Шўро, 43).

“Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур” (Фуссилат, 34).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ашажга (розияллоҳу анҳу) айтганлар: “Сенда Аллоҳ ва Унинг расули яхши кўрадиган иккита хислат бор: шошмаслик ва вазминлик” (Муслим ривояти).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар. Хуш-

хабар беринглар, нафратлангирманглар” (*Муттафақун алайҳ*).

Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Албатта Аллоҳ таоло рафиқ (мулойим)дир, ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради” (*Муттафақун алайҳ*).

Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Албатта мулойимлик бирон нарсада бўлса, уни зийнатлайди. Агар у бирор нарсадан олинса, хунук қилади (*Муслим ривояти*).

Демак, мураббийлар агар фарзандларнинг эгрилигини тўғрилаш, ҳидоятли авлод қолдириш ва умматнинг ислоҳини истасалар, бардошлилик, мулойимлик ва ҳалимлик юкини кўтаришлари зарур экан.

Бу дегани, тарбия қилувчи мураббий фарзандни тарбия қилишда, ҳаётга тайёрлашда доим меҳрибонлик ва ҳалимлик йўлини тутсин, дегани эмас. Албатта, бу ерда айтилаётган ҳалимликдан мақсад шуки, мураббий фарзанд ахлоқини ислоҳ қилишда аччиқланмасин ва ғазабини ушлаб турсин. Фарзандда бирон-бир ахлоқсизлик сезилса, мураббий уни дарҳол ислоҳ қилиши лозим. Ислоҳ қилиш фарзанднинг табиатига риоя қилган ҳолда даражама-даража бўлади. Баъзиларга ишора билан, баъзиларга яхши гап билан, баъзиларга дўқ қилиш билан, баъзиларга эса таъзир беришни қўллаш билан бўлади.

5. Масъулиятни ҳис қилиш. Мураббий фарзанд имони ва ахлоқини тарбиялашда, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан комил шахс этиб вояга етказишида катта масъулият ҳис қилиши лозим. Бундай масъулиятни ҳис қилиш уни доим тарбияга ундаб туради. Қачонки инсон фарзандни тарбиялашда бир муддат ғофил қолса ва тарбиясига бепарво бўлса, фарзанд-

ни бузилишга қадам қўяди, деб эътиқод қилиши лозим. Доимий ғафлат ва такрорий бепарволикда эса, фарзанд бузуқ болалар жамоасидан бўлиб қолиши шубҳасиз. Бундай вақтда тарбия қилувчига уни тузатиш қийин бўлади. Ота-онанинг фарзанд тарбияси борасидаги лоқайдлик билан ўтказган фурсати учун надомат чекиши, кўз ёш тўкиши манфаат бермайдди. Шунинг учун Ислом барча ота-она ва мураббийларга фарзанд тарбиясида улкан масъулият юклайди. Аллоҳга йўлиқадиган кунда ҳисоб бериши ҳақида огоҳлантиради, қўрқитади. Омонатни адо қилганми? Тарбия берганми? Масъулиятни зиммасига олганми?

Қуйида бу борада оятлар ва ҳадислардан намуналар келтирамиз:

“Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангиз” (*Таҳрим, 6*).

Қушайрий зикр қилади: “Ушбу оят нозил бўлган пайтда Умар (розияллоҳу анҳу): “Эй Аллоҳнинг Расули! Ўзимизни сақлаймиз (яъни, сақлашни биламиз), аҳлимизни қандай сақлаймиз?” дедилар. У зот: “Аллоҳ сизларни қайтарган нарсалардан уларни ҳам қайтарасизлар, Аллоҳ сизларга буюрган нарсаларни уларга ҳам буюрасизлар”, деб жавоб бердилар.

“Албатта, (сизлар бу дунёда) қилиб ўтган ишларингиздан сўралурсиз” (*Наҳл, 93*).

Сўнгра қиёмат куни барча қилган ишларингиздан сўралурсизлар. Бу сўроқ тушунтириб бериш, маълумот олиш сўроғи эмас. Балки ҳисоб қилиш, мукофот бериш сўроғидир. Амалларга қараб яхши мукофот ёки жазо берилади.

“(Аммо фармоним келгунича) уларни тўхтатиб (дўзахга ташламай) турингиз! Чунки улар (қилмишлари тўғрисида) сўралувчидирлар” (*Соффот, 24*).

Таъкидлаганимиздек, фарзандга чиройли тарбия берилса, жамиятга манфаатли қилиб вояга етказилса, у туфайли кўзлар қувончга, қалблар севинчга тўлса, бу – жуда улуғ неъмат. Агар бунинг акси бўлса, унинг неъматлиги қолмайди. Демак, фарзанд ҳар доим ҳам неъмат бўлавермас экан. Зоҳири неъмат бўлиб кўриниб, ботини азоб бўлиши ҳам мумкин. Ота-оналар масъулиятни ҳис қилишмаса, шундай ҳолатлар юзага келиши мумкин.

“Сўнгра ана ўша кунда (қиёматда), албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсиз!” (Тақосур, 8).

Ҳадисдан:

“Киши ўз аҳлига қаровчи ва қўл остидагиларга жавобгардир” (*Муттафақун алайҳ*).

“Албатта Аллоҳ ҳар бир жавобгардан унга жавобгарлик юклатилган нарса ҳақида сўрагувчидир. Муҳофаза қилдимиз, зое кетказдимиз? Ҳатто, киши ўз оила аъзолари ҳақида ҳам сўралади” (*Ибн Ҳиббон. ривояти*).

Мазкур қуръоний ва набавий таълимотларга назар солган ҳар бир ақлли мўмин мураббийга бу масъулиятда сергаклик лозим бўлади. Агар лоқайдлик билан вақтни бепарво ўтказиб қўйса, Аллоҳнинг ғазабига гирифтор бўлишини, жаҳаннам азобига учрашини доим кўз олдига келтириб турсин. Чунки қиёмат кундаги сўроқ оғир, ҳисоб қийин, қўрқинч катта, жаҳаннам эса: “Яна қўшимча борми?” деб туради.

Шу ўринда фарзанд тарбиясининг бузилишига сабаб бўладиган нарсалардан яна бирини зикр қилиб ўтиш лозим. Фарзандлари ҳам диний, ҳам дунёвий жиҳатдан баркамол бўлишини истаган ота-оналар ва мураббийлар, аввало, ўзларини, сўнгра фарзандларини миссионер ва Ислом динига ёт бўлган оқимларга кириб қолишдан асраши лозимдир.

Миссионерлар ўз таълимотини бошқаларга етказишда уч муҳим омилга катта аҳамият беришади. Булар: вазиятни яхши англаш; масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиш; мақсадларнинг аниқ бўлиши. Мазкур омилларни амалга ошириш учун улар кишилар билан ижобий, дўстона муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилишади. Масалан, қаҳвахоналар, ёшлар давралари, тунги клублар, савдо ва спорт марказлари, маданият ва хайрия жамғармалари каби гавжум жойларда ёшлар билан алоқа ўрнатиш, дўстлар орттириш, аста-секин улар онги ва дунёқарашига таъсир ўтказиш пайида бўлишади. Олдиндан аниқлаб, танлаб олинган кишилар дунёнинг турли бурчакларида ташкил этилган лагерлар, сайёҳлик марказлари кабиларга ҳам юборилади. Булардан мақсад, бошда асл ниятларини пинҳон тутиб, уларни чўчитиб юбормай дўстлашиш ва кейинчалик уларга ўз таълимотини сингдиришдир.

Юртдошларимизнинг, айниқса, йигит-қизларимизнинг миссионерлар тузоғига тушиб қолмасликлари, динидан, эътиқодидан, миллий қадриятларидан узилмасликлари учун ғояга қарши ғоя, мафкурага қарши мафкура, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш олиб боришимиз зарур. Шундагина ёшларимиз онги ва қалбини ҳар хил ёт ғоя ва оқимларнинг кучайиб бораётган таъсири ҳамда хатаридан сақлаб қола оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қуръони карим.
2. Имомуддин Исмоил ибн Касир. “Тафсирул Қуръонил Азим”.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”.
4. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржимаси”.
5. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Саҳиҳул Бухорий”. Дорул фикр.
6. Муслим ибн Ҳажжож. “Саҳиҳул Муслим”. Дорул кутубил илмийя.
7. Муҳаммад ибн Исо Термизий. “Сунани Термизий”. Дору кутубил илмийя.
8. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Ал-адаб ал-муфрад”. Дорул фикр.
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва ҳаёт”.
10. Абдуллоҳ Носиҳ Улвон. “Тарбиятул авлад фил Ислам”. Дорус салом.
11. Ислон Каримов. “Баркамол авлод орзуси”. Т., “Шарқ”, 1998.
12. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ижтимоий одоблар”.

МУНДАРИЖА

<i>Муқаддима.....</i>	<i>3</i>
<i>Тарбия ва унинг турлари.....</i>	<i>5</i>
<i>Имон тарбияси</i>	<i>6</i>
<i>Ахлоқий тарбия</i>	<i>8</i>
<i>Жисмоний тарбия</i>	<i>12</i>
<i>Ақлий тарбия.....</i>	<i>14</i>
<i>Руҳий тарбия</i>	<i>19</i>
<i>Ижтимоий тарбия</i>	<i>25</i>
<i>Жинсий тарбия масъулияти</i>	<i>30</i>
<i>Болаларни барвақт жинсий уйғонишдан эҳтиёт қилиш...32</i>	
<i>Тарбиядаги асосий қоидалар</i>	<i>35</i>
<i>Фойдаланилган адабиётлар.....</i>	<i>46</i>

Диний-ижтимоий нашр

Хайрулла ТУРМАТОВ

СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИ

Муҳаррир Муҳаммад Сиддиқ РАҲМАТОВ

Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ

Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: AI 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2014 йил 22 июлда берилди. Босишга 2014 йил 24 июлда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 ¹/₃₂.

Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 1,63. Шартли б. т.: 3,0. Адади: 2000 нусха.

75-сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movagounnahrg” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.

Тел: (8-371) 227-34-30

“Тошкент Ислом университети” нашриёт-матбаа

бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент шаҳар Абдулла Қодирий кўчаси 11-уй.

Тел: 244-00-91

Факс: 244-00-65

E-mail: *info@tiu.uz*

